

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Муборак туман тиббиёт  
бирлашмаси  
танлов комиссиясининг

“ ” \_\_\_\_\_ 2022  
йилдаги  
\_\_\_\_\_ -сонли йиғилиш  
баёнига асосан

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**



Муборак туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ Н.И. Муртазаев  
\_\_\_\_\_ 2022 й.

Муборак туман тиббиёт бирлашмасида аутсорсинг шартлари асосида  
хизматлар кўрсатиш (кир ювиш) бўйича ташкилотни танлаш учун

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи:** Муборак туман тиббиёт бирлашмаси

Муборак – 2022 й.

## ТАРКИБИ

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Шартнома лойиҳаси

## I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий ҳолатлар. 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралда «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:  
Мўборак туман тиббиёт бирлашмасида аутсорсинг шартлари асосида хизматлар кўрсатишни ташкил этиш
- 1.3 Мўборак туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг талабномаси танловни ўтказиш учун асос ҳисобланади.
- 1.4 Танловни ўтказишда унинг чегара қиймати; **шартноманинг умумий қиймати 29 980 000 (Йигирма туккиз миллион туккиз юз саксон ) сўмдан** ошмаслиги зарур.  
*(танловда таклиф қилинган нархлар ундан юқорини ташкил қилмаслиги зарур)*
- 1.5 Харид қилинадиган хизматлар техник топшириғи мазкур танлов ҳужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакли – электрон имзо орқали.
- 2 Танлов ташкилотчилари 2.1 Мўборак туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.  
«Буюртмачи» манзили:  
Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Мўборак тумани, Истиклол МФЙ, Карши – Бухора йули ёқасида 180400.  
«Буюртмачи» реквизитлари:  
МФО 00014,

ИНН 200 699 232,

х/р 4003 228 601 023 470 731 010 54 004

Марказий банк

2.2 **Танлов ташкилотчиси контакти:**

Шартнома бўлими, бўлим бошлиғи

Тел.: (55) 401-15-69

Моб: (97) 589-83-03

e-mail: [muborak.tssb@minzdrav.uz](mailto:muborak.tssb@minzdrav.uz)

**Техник саволлар бўйича масъул  
контакти:**

Шарипов Жахонгир

Тел.: (97) 589-83-03

2.3 Танлов комиссияси ишчи органи:

Муборак туман тиббиёт бирлашмаси иш ва хизматлар танловини амалга оширувчи танлов комиссиясининг танловларни ўтказишдаги ишчи органи коммасыул котиби («кейинги ўринларда – танлов комиссияси»).

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Истиклол МФЙ, Карши – Бухора йули ёкасида 180400.

2.4 Шартнома тузувчи: Муборак туман тиббиёт бирлашмаси

2.5 Танлов буюртмачи томонидан ташкил килинган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3 **Танлов иштирокчиси**

3.1

Танловда мазкур танлов ҳужжатларининг 4.2-бандида кўрсатилган юридик шахслардан бошқа, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин

4 Танловни ўтказиш тартиби

- 4.1 Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун:
- танлов шартлари билан тўлиқ таниши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);
  - танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларни эътиборга олган ҳолда унда иштирок этиш тўғрисида расмий танлов таклифи бериши зарур.
- 4.2 Танловга қуйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:
- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;
  - шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия/гувоҳноманинг мавжуд эмаслиги;
  - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжудлиги;
  - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
  - буюртмачи билан охириги уч йил ичида тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;
  - буюртмачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўрилаётган бўлса;
  - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги.
- 4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:



- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
- иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

**5 Танлов тили, ўлчов бирликлари.**

5.1

Танлов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак.

5.2

Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланилиш шарт.

**6 Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари**

6.1

Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида электрон тарзда тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

6.2

Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул ҳисобланади;
- фақат битта таклиф бериш ҳуқуқига эга;
- тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча

қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

- 6.3 Танлов таклифи бир қисмдан иборат бўлади:
- 1) техник қисми Буюртмачининг техник топширигида кўрсатилган талабларга мос келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўғрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;
- 6.4 Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади.
- 6.5 Таклифда қуйидагилар кўрсатилиши зарур
- танлов предмети номи;
  - иштирокчининг номи;
  - буюртмачининг номи ва унинг манзили;
- 6.6 Техник таклифлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:
- мазкур йўриқнома иловасидаги **6 шаклга** мувофиқ таклиф қилинаётган маҳсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник топшириққа таққосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар;
  - мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсат берилганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатлар;
  - бошқа техник ҳужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар).
- 6.7 Нарх қисми бўйича ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:
- мазкур йўриқнома иловасидаги **7 шаклга** асосан тўлдирилган таклиф

килинаётган нарх тўғрисидаги маълумотлар.

- 6.8 Танловга таклифларни қабул қилиш махсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.
- Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Истиклол МФЙ, Карши – Бухора йули ёқасида 180400.
- 6.9 Таклифнинг амал қилиш муддати танлов таклифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камида 60 кунга амал қилиши зарур.
- 7 **Танлов таклифларини бериш муддатларини узайтириш**
- 7.1 Иштирокчининг асослантирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.
- Танлов таклифларини қабул қилиш муддати ўзгарганлиги (узайтирилганлиги) тўғрисидаги огоҳлантириш танловда иштирок этаётган барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс орқали юборилиши зарур.
- 7.2 Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади.
- 8 **Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш**
- 8.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.
- Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган



санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

**9 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш**

- 9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар тайинланган танлов комиссияси томонидан ўрганилади.
- 9.2 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 9.3 Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Агар таклифни киритган танлов иштирокчисининг таклифи, уни расмийлаштирилиши мазкур танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси ушбу танлов иштирокчиси таклифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.
- 9.4 Танлов ҳолибини танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади. Танлов ҳужжатларини баҳолаш мақсадида танлов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустақил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гуруҳ тузишга ҳақли.
- 9.5 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 9.6 Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ҳолиб деб топилади

- Танловда иштирок этишдан четлаштирилмаган танлов иштирокчиларининг таклифлари нарх қисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин танлов таклифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.
- 9.7 Агар таклиф Қонун, Қарор ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- 9.8 Таклифни киритган танлов иштирокчиси Қонунда, Қарорда ва ушбу танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади.
- 9.9 Баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси (шартнома бўлими) орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.
- 9.10 Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Танлов таклифларида арифметик ёки исталган бошқа хатолар мавжудлиги аниқланганда, бундай таклифлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқиш рад этилиши мумкин. Бу ҳақида танлов иштирокчисига маълум қилинади.
- 9.12 Барча учун танлов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни сақлаш учун танлов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чиқиб қўлланиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатга олинади.

	9.13	Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
	9.14	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон тарзда имзоланади.
	9.15	Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
<b>1</b>	<b>Томонларнинг</b>	
<b>0</b>	<b>жавобгарлиги ва</b>	
	<b>махфийликнинг амал</b>	
	<b>қилиши</b>	
	10.1	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан қуйидагиларга жавобгарлик юклатилган:
		<ul style="list-style-type: none"> <li>– танлов комиссияси раиси ва аъзоларига, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, танлов иштирокчилари, жалб қилинган мутахассис ва экспертлар билан қайсидир иштирокчига устунлик бериш ёки қайсидир иштирокчини камситиш/четлатиш мақсадида тил бириктирмаслик ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича;</li> <li>– танлов ҳолибига – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (миқдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошқа техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.</li> </ul>



1 1	<b>Бошқа шартлар</b>	11.1	Буюртмаси танлов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб берилган (кўрсатилган) учинчи шахсдан фикр-мулоҳаза сўраши мумкин.
		11.2	Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.
		11.3	Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.
		11.4	Танлов комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин:  – танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда; – тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий ҳужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия ҳулосасига кўра четлаштирилган бўлса.
		11.5	Буюртмачи голиб бўлган таклиф акцептига қадар-исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослантилган сабабларини эълон қилади.
1	<b>Шартномани расмийлаштириш</b>	12.1	Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида голиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.



- 12.2 Танлов натижаларига кўра танлов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлганлиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади.
- 12.4 Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи заҳира ижрочисига ўтади. Бунда заҳира ижрочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.